

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда **"Пудратчи"** деб юритиладиган Олтинкўл ТИФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори Л.Султанов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли "ЎЗР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408 сонли қарорига асосан, Олтинкўл ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятдаги "4Н1119"Ижтимоят к Тошқишлоқ к-Маслаҳат к"а/йнинг 3-5.5 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНING МАҚСАДИ

1.1. **"Пудратчи"** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Олтинкўл ҳудудидан ўтувчи маҳаллий аҳамиятдаги "4Н1119"Ижтимоят к Тошқишлоқ к-Маслаҳат к"а/йнинг 3-5.5 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. **"Буюртмачи"** эса **"Пудратчи"**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНING БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 1 554 600 453.50 (бир миллиард беш юз эллик тўрт миллион олти юз минг тўрт юз эллик уч сўм.50 тийин)ни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар **"Буюртмачи"** томонидан бажариладиган ойлик иш хажмининг 30% микдоридан олдиндан аванс тарикасида **"Пудратчи"**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. **"Буюртмачи"** томонидан ойлик иш хажмлари режасига асосан "Пудратчи" томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида "Пудратчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. **"Буюртмачи"** охириги тўловни **"Пудратчи"** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар **"Буюртмачи"** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРNING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **"Пудратчи"**нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда **"Буюртмачи"**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. **"Пудратчи"**нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. **"Буюртмачи"**нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари қўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида "Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари" МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. **"Буюртмачи"**нинг ҳуқуқлари

"Пудратчи"дан бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

"Пудратчи"дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдориди жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

Олтинқўл ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Олтинқўл тумани Шох кўча 27 уй

Тел./факс: 73 354 60 43

х/в 2262 6000 3002 7782 1001

Банк номи: Ипотека банк Истиқлол филиали

МФО: 00068 ИНН: 200254880

ОКОНХ: 421110



М.У

И. Султанов

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 301821860034017045204118100

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР 201122919



Бошаник:

Т. Қараев

А.Мамажонов

№ 202

18.12.2022г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилги ШК-408 сонли қарорига асосан "2022-2023 йилларда маҳалалар инфратўлиқмаси аниқлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги
 Дахтурлари доирасида Андижон вилоятлари умумфойдаланув автомобиль йўлларини жорий таъмироти ишлари бўйича дастлабки

МАНЪИЛИ РЎЙХАТИ



ТАСДИҚЛАЙМАН!
 Андижон вилоят ҳокимининг
 ўринбосари
 И.Н. Холматов
 2022 йил

МШН СЎМЛА

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва тугалланиш йили	Улчов бирлиги	Лойиҳавий қуввати тегишли улчов бирликларда	*Пудрат шартномаси тузилиши вақтида қурилишнинг умумий қиймати	Қурилишнинг 2022 йил 1 январ ҳолатига қолдиқ қиймати	2022 йил қанчалар қўйилмади	Қурилиш-монтаж ишларининг умумий қиймати	Бошқа харажатлар	пучили,		2023 йил 1 январ ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати	Тендер савдолари баённомаси тасдиқланган санаси ва рақами	Экспиртиза санаси ва рақами, №	Пудратчи қурилиш ташкилотлари	
										Буюртмачи харажатлари	Лойиҳа ва экспертиза харажатлари					
2	Вилоят бўйича жами	4		35,300			15 550,000	15 394,500	155,500	0,000	155,500	0,000				
	Тақсимланмаган лимит						0,000									
1	Андижон шаҳар		км	10,000			200,000	198,000	2,000	0,000	2,000	0,000				
	Тақсимланмаган лимит															
1	4Қ91 Андижон ш-Заврак к.-Гулбозор к. Автомобиль йўлининг 12 кмдиги Андижон шаҳар Машиқал МФЙ га У.Юсуфов-Дурдий-Т.Режапов кесими масивидати 4 кўчага янги тартибта солувчи чорраха ўрнатилиш. Шўрнингдек, бошқа асосий йўл каттов кесимидати кўчаларга ҳам пайёдалар (сефр) йўлакчасини ташкил қилиш		км	10			200,000	198,000	2,000	0,0	2,000	0,000				Андижон ТИФУК
2	Андижон тумани				0,000	0,000	250,000	247,500	2,500	0,000	2,500	0,000				
	Тақсимланмаган лимит															
	4P250 Андижон ш.-Шуро к.-Қуруққайроғоч к. автомобиль йўлининг 4 км ва 4Қ91 а)-Найман қишлоғи-Қуйтаёв қишлоғига автомобиль йўлининг Чўнтаборга МФЙ 4Қ77А-4P250 кесими маси (Жума-масжид кўчасини марказий чорраҳасида) светофор ўрнатилиш.		донга	1			250,000	247,500	2,500	0,000	2,500	0,000				Андижон ТИФУК
3	Жалақулук тумани		км	2,5			950,000	940,500	9,500	0,000	9,500	0,000				
	Тақсимланмаган лимит															
	4Қ72 Кўтарма к.-Оқубобоев ш.-Қўрғонтепа ш.-Чимён к.-Панжикўртон к " автомобиль йўлининг 14 км ва 4н1073 "Қағроғол к.-Қичқинболон к.-Чўнка к.-Қўнғазор к" автомобиль йўлига 9 км кесими масида светофор ўрнатилиш.		донга	1			200,000	198,000	2,000	0,0	2,000	0,000				Жалақулук ТИФУК
4	4н1073 "Қағроғол к.-Қичқинболон к.-Чўнка к.-Қўнғазор к" автомобиль йўлининг 8-10,5 км кесими жорий таъмирлаш		км	2,5			750,000	742,500	7,500	0,0	7,500	0,000				Жалақулук ТИФУК
	Марҳамат тумани		км	15,3			9 650,000	9 553,500	96,500	0,000	96,500	0,000				
	Тақсимланмаган лимит															
	4Н1097 Таширчи к.-Тошпоқ к. автомобиль йўлининг 3-7 км кесимлари. "Дўстлик" МФЙ худудига Ат. Термакний, Олойчи, Абдуқово, Радаватат кўчаларини кесиб ўтувчи 14 км масофада кўчани асфальтлашти		км	14			7 700,000	7 623,000	77,000	0,0	77,000	0,000				Марҳамат ТИФУК

№	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошланishi ва тугалланishi йили	Улчов бирлиги	Лойиҳавий қуввати тегишли улчов бирликларда	*Пудрат шартномаси тузилishi вақтида курилishiнинг умумий қиймати	Курилishiнинг 2022 йил 1 январ ҳолатига қолдиқ қиймати	2022 йил капитал қўйимлари	Шу жумладан:					2023 йил 1 январ ҳолатига ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ қиймати	Тендер савдолари байномаси тасдиқланган санаси ва рақами	Экспертга санаси ва рақами№	Пудратчи қўрилishi ташкилотлари
								Курилishi-монтаж ишларининг умумий қиймати	Банка харажатлари	Буюртмачи харажатлари	Лойиҳа ва экспертиза харажатлари	пудратчи,				
2	3	4	5	6	7	8	9	10	17	18	20	21	22	23	24	
2	4P138 Шаҳрхон ш.-Асава ш.-Марҳамат ш.-Қўзғилки к. автомобиль йўлининг "Обйек" МФЙ ҳудудидати умфойдаланувдати автомобиль йўлининг 44-46 км қисмлари. Амир Темур ва Урмузор кўчасидан ўтувчи 1,3 км қисмини асфалтлаш.	2022 йил	км	1,3			1 950,000	1 930,500	19,500	0,0	19,500				Марҳамат ТИФУК	
5	Олтинқул тумани Тасқимланмаган линия		км	7,5			4 500,0	4 455,0	45,0	0,0	45,0	0,0				
7	4Н1119 Ижтимоат к.-Тожиққилпоқ к.-Наспахат к. Автомобиль йўлининг 3-5,5 км қисмини жорий таъмирлаш	2022 йил	км	2,5			1 500,000	1 485,000	15,000	0,0	15,000				Олтинқул ТИФУК	
8	4Н1094 Олтинқул к.-Қайрма к. Автомобиль йўлининг 5-8 км қисмини жорий таъмирлаш	2022 йил	км	3,0			1 800,000	1 782,000	18,000	0,0	18,000					
9	4К98 Жалабек к.-Темирўжа к.-Ижтимоат к. Автомобиль йўлининг 12,5-14 км қисмини жорий таъмирлаш	2022 йил	км	2,0			1 200,000	1 188,000	12,000	0,0	12,000				Олтинқул ТИФУК	

Анлижон вилояти автомобилъ йўллари
бош бошқармаси бошлиғи

А. Қарасев
2022 йил

Анлижон вилояти молия
бош бошқармаси
бошлиғи

С.Раҳмонов
2022 йил

